



АДОЛАТ

Ўзбекистон
«Адолат»
СДП
газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1998 йил, 18 сентябрь, № 37 (180) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН — ИСРОИЛ:

ИҚТИСОДИЁТ — ҲАМКОРЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ

Ўзбекистон Президенти Исроил Каримовнинг Исроилга давлат ташрифи ниҳоятда муваффақиятли бўлиб, мамлакатимиз раҳбари сафардан қайта туриб таъкидлаганидек, ташрифдан қўзланган асосий мақсадларга эришилди.

Хўш, ташрифдан мурда нима эди? Аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик сарҳадларини янада кенгайтириш ва бунинг учун зарур ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш. Исроил давлатининг бугунги иқтисодий тараққиёти, ақлий салоҳияти, юксак технологияси, илмий-техникавий ютуқлари ҳақиқатан ҳам катта эътиборга молик. Шу боис ҳам Исроил билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш бизга фойдалидир.

Ушбу сафар мамлакатимиз раҳбарининг Исроилга илк ташрифидир. Айни шу сабаб ташрифнинг яна бир моҳияти кўринади: бу Исроилнинг Ўзбекистонга муносабатини яққолроқ очиб бериш, унинг юртимизга қизиқишини рағбатлантириш.

Ҳамкорлигимизнинг асоси — иқтисодиёт билан боғлиқ масалалар ҳақида тўхталшдан олдин бир гапни айтиб ўтиш лозим: Исроил Каримовнинг Исроил давлатига ташрифи мамлакат сийёсий доиралари томонидан ҳам, кенг жамоатчилик томонидан ҳам катта қўллаб-қувватланаётган. Исроил Президентини Эверейннинг қароргоҳида бўлиб ўтган давлатимиз раҳбарининг расмий қўлиб олиш маросимида мамлакат Бош вазирини Бенямин Нетаняху ҳам иштирок этгани бундан далилларидан биридир. Чунки, одатда бундай маросимларда Бош вазир иштирок этмасди.

Исроил оммавий ахборот воситаларида мазкур ташриф кенг еритилди. Бу ерда чиқадиган «Хабарлар», «Вақт» ва бошқа маҳаллий газеталарда Ўзбекистон, Президенти Исроил Каримов ҳақида, юртимиз иқтисодиёти, унинг халқаро муносабатларидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб оратгани тўғрисидаги қўлланма мақолалар босилди.

Юқорида айтилганидек, ташрифдан қўзланган бош мақсад — узаро ҳамкорлигини ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш. Ташрифнинг иккинчи кунда икки мамлакат расмий делегацияларини кенгайтирилган таркибдаги музокарачиларда асосий эътибор ҳам айни шу масалага қаратилди. Музокарачилар кўнрада ушбу мақсадга ҳизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Президент Исроил Каримов ҳамда Бош вазир Бенямин Нетаняху мамлакатларимиз ҳуқуқатлаш ўртасида икки томонлама солиқ солимаслик, даромад ва солиқ тўлашдан бўйин товланиш олдидан бўлиш, шунингдек, узаро савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим-



оғи тоғу тош ва бийдай даладан иборат замида пахтачилик, уруғчилик, чорвачилик, деҳқончилик буйича қўлга киритилган ютуқлар кишини мулоқазга чорлайди. Мамлакатда 5,6 миллион аҳоли истиқомат қилади. Унинг меҳнатга яроқли қисми эса 40-42 фоизни ташкил этиб, шундан атиги уч фоизгина қишлоқ ҳужалиги билан банд. Ана шу муҳим, шундай кенг қамровли ҳужжатлар имзоланганининг ўзиёқ ташрифнинг самарали бўлиганини айтиб турибди.

Музокарачилар сўнггида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Исроил иқтисодиётида бир-бирини тўлдирувчи омиллар талайгина эканини таъкидлади. Янаним, табиий ресурсларимиздан (унимли фойдаланиш учун бизга замонавий технология керак. Хусусан, Исроилнинг қишлоқ ҳужалиги, чорвачилик, деҳқончилик, уруғчилик, озиқ-овқат ва паррандачилик каби йўналишларда катта фойда келтирадиган минитехнологиясига бизда аҳиёж бор. Бу эса ўз навабатида Ўзбекистон, қолаверса Марказий Осиё бозорига Исроилнинг фаол иштироки этиши учун шароит яратди. Телекоммуникация ва фармацевтика соҳалари ҳам узаро ҳамкорлигимизда истиқболли йўналишлардан саналади.

Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликда бизнинг қизиқишларимиз нимага қаратилган? Биламики, Исроил қишлоқ ҳужалиги тараққиёт этган мамлакат. Сув танқис, бошдан соҳалар буйича самолётлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилиши, қолаверса, заводнинг электроника соҳасидаги фаолияти ҳам эътиборга молик. Унинг 1998 йилги савдоси 2 миллиард АҚШ доллари миқдорига баҳоланган. Бу ҳазилкам курсатки эмас. Мазкур заводга ташрифи чоғида Исроил Каримов завод раҳбари Моше Керет билан узаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида фикр алмашди. Узаро ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш буйича қўша гуруҳ тузиш тўғрисидаги таклифни мамлакатимиз раҳбари қўллаб-қувватлади.

Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлиги ривожлантиришнинг бош омили иқтисодиёт экан, унда ишбилармонлар асосий ўрнини эгаллайди. Шу боис Исроил Каримов ҳорикта сафарлари чоғида тadbirkorлар билан учрашиб, уларнинг сузларини жон қўлиги билан тинглайди, уларга Ўзбекистонда бизнес қилиш учун мавжуд имкониятлар ҳақида кенгроқ гапириб беришга алоҳида эътибор қаратади. «Шоҳ Довуд» меҳмонхонасида Исроилдаги ишбилармон доиралар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашув ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Бу учрашув Исроил ишбилармонлари Ўзбекистонга қанчалик катта қизиқиш билан қаратганини яна бир қарра тасдиқлади. Учрашувда мамлакатдаги 100 дан ошмиқ фирма ва корхона вакиллари иштирок этишди. Исроил Каримов журналистлар билан мулоқотда учрашувнинг муҳим бир жиҳати ҳақида

Ўзбекистоннинг куп жиҳатлари қизиқтириши турган гап. Ўзбекистоннинг катта миқдордаги табиий хомашё ресурслари, қўлай геостратегик жойлашуви, мамлакатдаги тинчлик ва барқарорлик, хорижий сармоядорлар учун яратилган қўлайликлар ва ҳоказо. Биз ушбу муҳим, хорижий сармоядорлар Ўзбекистон бозорига қўлинг, кейинги 6-7 йил давомида Ўзбекистонга киритилган хорижий сармоя ҳажми 8 миллиард АҚШ доллари атрофида бўлди. Хусусан, ўтган йили ушбу курсатки бир миллиард доллардан ошмиқ бўлган эди.

Ўзбекистон билан Исроил ўртасида сийёсий ҳамкорлиги ривожлантириш ҳам ҳар икки мамлакат учун катта аҳамиятга эга. Чунки, биз қатор халқаро ва минтақавий муаммолар, нарқобизнес, терроризм, экстремизм ва диний фанатизмга қарши қўриш борасида самарали ҳамкорлик қилишимиз мумкин.

Шу ўринда бир гапни айтиш кераки, ташриф давомида мамлакатимиз раҳбарининг Исроил Президентини, Бош вазирини, шунингдек, Фаластин мухторияти раҳбари Есир Арафот билан бўлган учрашувлари, уларда муҳокима этилган масалалар Исроил Каримов Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишининг қатъий тарафдори эканини яна бир қарра тасдиқлади. Яқин Шарқдаги нотинчлик Афғонистондаги уруш билан ҳам узвий боғлиқ, деди Исроил Каримов бу масала ҳақида ўз муносабатини баён этар экан. Бугунги замон шундайки, дунёнинг бир бурчида ўқ отилса, унинг овози бошқа бурчида акс садо беради.

Ўзбекистон Президентининг Исроилга сафарини муҳим бир жиҳати билан ўзига ҳосидир: ташриф давомида икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун шарт-шароит яратилди, томонлар ўз қарашларини ойдинлаштириб олди. Бугунги дунё — манфаатлар дунёси. Биз учун энг улуғ мақсад — оод ва обод давлат қилиш, дунёдаги тараққиёт этган мамлакатлар қаторидан жой олиш. Бунинг асосий шартин эса давлатларaro алоқаларни маҳкам қилиб, халқаро доирда мустаҳкам ўринга эга бўлиш, тинчлик ва барқарорлик, ватан равиқли йўлидаги бор имкониятлардан фойдаланиш. Ўзбекистон-Исроил муносабатларини ривожлантириш ҳам айни шу манфаатга мос келади.

Фарҳод АРЗИЕВ,
(ЎА) махсус мухбири,
Тошкент-Қуддус-Тошкент.

ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

Тазматгирлик, тўрачилик, порахўрлик, киб-р-ҳаво, коррупция ниҳоятда юқумли ва хавфли касалликдир.

Халқ назаридан қўлиш эса — агар жиндек виждони бўлса, ўлим билан баробардир.

Аммо виждонли одамлар, улар ким бўлмасин, тарих талабидан, охира тўғрисида қўқчи керак, ўйлаши керак, адолат мезонини эсидан, ҳаёлидан чиқармаслиги лозим.

Раҳбарнинг ишига халқ ўзи баҳо беради. Энг олий ҳакам — вақт. Раҳбарлик лавозимига қўтарилган кишиларнинг энг буюқ, энг муқаддас вазифаси — уни тарбия қилган, билим берган, юксак мартабага олиб чиққан халқига сидқидилдан хизмат қилиш.

Барча бўғинларда инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбар бошчилик қилмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жоқуярлик билан иш-ламас экан, ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди.

Назм БАХТЛИМАН

Озодлик юртининг янги бир насли
Янги бир даврдан сўзлаган дамба.
Жаҳол кўрғазгандек навбахор фасли,
Дунёвий туйғулар жўшар одамда.

Асрлар қисматин, йиллар ҳислатин,
Тақор ўқиганман ҳикоялардан.
Моер ер неча бор озиб, тўзиди,
Совуқ урушлардан, гўр гоилардан.

Не тонг мазлумларнинг тарих бахтига,
Бир кўш ёритди арзу самонин.
Не тонг гоиларнинг олов тафтида,
Тафаккур шамшири кесмиш жаҳонин.

Фикрлар тўғғини, минг хил фалсафа,
Бари бекор бўлди, ёшин яшади.
Туйғулар бағриддан инсон илк даъфа,
Порлоқ истиқболга одим ташлади.

Бу илгор фикрдан туғилган жаннат,
Ғафлат ўқисидан уйғотди элнин.
Бахш этиб адолат ва янги ҳаёт
Кўрсатди компасдек энг тўғри йўлни.

ИЗЗАТ ҲИҚМАТ.

Божхона бекати ШУБҲА ТЎҒРИ ЧИҚДИ

Қашқадарё вилоят божхона бошқармасининг 4-сонли «Қарши темир йўл бекати ва аэропорти» божхона маскани ходимлари билан Қарши нақлиёт ИИБ ходимларининг ҳамкорлигида ўтказилган тадбирларини ўзининг ижобий самарасини берапти. Шу йилнинг 23 июлида қарши темир йўл шохбеккага келиб тўхтаган 223 — «Душанбе—Москва» йўловчи поезди назоратдан ўтказилганда 14-вагонини тамбурида турган 35 ёшлардаги киши рейд гуруҳи қатнашчиларида шубҳа уйғотди.

Йўловчининг ҳужжатлари текширилганда Тожикистон Республикаси фуқароси эканлиги маълум бўлди ва унинг чўнтагидан гиёҳванд моддаси чиқди. Қўшни мамлакат фуқаросининг божхона ходимларини қўриб саросимига тушиб қолганлиги бежиз эмас экан. У тамбур орқали чўнтагидан полистилленга уралган гиёҳванд моддани ерга ташлаб, жиноятини яшироқчи бўлди. Аммо ўтказилган тезкор ҳаракатлар тўғрисидаги эрға улоқтирилган нарсга топилиб, криминалистик экспертизадан ўтказилди. У оғирлиги 0,5 грамм келадиган «Гашш» гиёҳванд моддаси экан. Йўловчининг ён чўнтагидан чиққан модда эса 1,2 грамм «Героин» экан.

Шундай қилиб тожикистонлик фуқаро О.Н. Москва борш бахтидан бенасиб бўлди. Айни пайтда ушбу ҳолат буйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

Бу ҳолат божхона масканидаги учинчи воқеадир, — дейди 4-сонли «Қарши темир йўл бекати ва аэропорти» божхона масканининг бошлиғи, божхона хизмати катта лейтенанти Садриддин Беғалиев. — Сергак ходимларимиз бундай воқеаларга мўросасиз бўлиб, Ватанимиз осийишталигини таъминлайверадилар.

Ҳа, ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. Бу йўлда қонунсиз ҳаракат қилаётганлар қучварани хом сабабдилар.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

ДИЛАРНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Мамлакатимиз яна бир катта анжуман арафасида турибди. 22-27 сентябрь кунлари республикамизда биринчи мартаба Халқаро симфоник музика фестивали ўтказилади. Шу муносабат билан мухбиримиз фестивални ўқитиш штабнинг бошлиғи Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари Ҳабибулло РАҲИМОВ билан учрашиб, нуфузли анжумани қай тартибда ўтказилиши ҳусусида суҳбатлашди.

— Аввало халқаро миқёсда ўтказилаётган бу анжуманининг мақсад-муддоголарига тўхталсангиз?

— Рост, Тошкент қўлдан-қўл халқаро анжуманлар ўтказилаётган шаҳарларнинг бирига айлиниб бормоқда. Бу шубҳасиз мамлакатимизнинг обрў-эътибори янада ортиб бораётганидан далолат бериб турибди. Янги халқаро анжуман ҳам дилларни дилларга, кўнглиларни кўнглига маълумки, кейинги йилларда миллий музикани, қолаверса, ўзбек симфоник музикаси ҳам дунё миқёсида кенг шўхрат ёймоқда. Ушлаб иходкор ёшларимиз, бастакорларимиз ҳатто чет элларда ўтказилаётган музикаий анжуманларда, танловларда муваффақиятли иштирок этишиб, санъатимиз шон-шувратини оширишга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Халқаро фестивалнинг асосий мақсади ана шундай истеъдодли санъат намойендаларининг энг сара асарларини намойиш этиб, тарғиб қилиш, чет эллардан анжуманга ташриф буюраётган таниқли бастакорларнинг асарлари билан танишиб, узаро ижодий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат. Яна 20 дан ортиқ халқаро танловлар совиндорларининг ижрочилик маҳоратини намойиш этиш ҳам асосий вазифаларидир.

— Музика фестивалида қанча давлатнинг бастакорлари иштирок этадилар?

— Янги анжуман мамлакатимиз музикаси тарихида янги саҳифачади. Унда 20 дан ортиқ ривожланган давлатларнинг кўзга кўринган бастакорлари иштирок этадилар. Анжумани Халқаро музика кўни арафасида бўлиб ўтаётгани ҳам қувончлидир.

— Демак, фестивал таъсисчилари ва хонийлари бу йирик музика анжуманига ўзига яраша тайёргарлик қўрганлар?

— Албатта. Маданият ишлари вазирлиғи, Бастакорлар уюшмаси, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт биришмаси ва «Ўзтелевизиокомпания», Ўзбекистон чет эллар билан маъданий-маърифий алоқалар дўстлик жамияти асосий таъсисчи бўлган мазкур фестивалга бастакорлар, музикашунослар ва дирижёрлар бор. Анжуман дастурига кўра ҳаммаси бўлиб еттига концерт намойиш этилади. Бунда мамлакатимизнинг кўзга кўринган ижодий жамоалари — Давлат симфоник оркестри, «Ўзтелевизиокомпания»нинг хор жамоаси, камер оркестри, «Ўзбекнаво» таркибидagi хор жамоаси, «Сўғдиёна» халқ чолғу асбоблари камер оркестри ва ўшлаб истеъдодли санъаткорлар ўз маҳоратларини кўрсатади. Улар нафақат Ўзбекистонлик композиторларнинг асарларини, айни пайтда, йигирмага яқин хорижий бастакорларнинг асарларини ҳам ижро этишади.

Анжуман қатнашчилари — Иштирокида Алишер Навоий номидаги академик катта театрда «Мийи айналар», қозирги замон композиторлиги иқодиёти» маърузидаги давра суҳбати ҳам бўлиб ўтади. Самарқандга сафар уюштирилади. «Навбад» халқаро хайрия жағмармаси, халқаро «Олтин мерос» ва «Экспан» жағмармалари, Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясини ривожлантириш жағмармаси музика анжуманига хомийлик қилишади.

Рустам ДОСТОН.

ТОШКЕНТ БАХСИ

Шу кунларда пойтахтнинг «Юнусов» теннис қосонаси байрамона безатилган. Бу ерда «Президент кубоғи» учун анъанавий халқаро турнир бешинчи марта ўтказилмоқда. 16 мамлакатдан ташриф буюрган 40 га яқин қўли теннисчи қолиблик учун курашмоқда. Йилдан-йилга нуфузи ҳам, довури ҳам ошиб бораётган мусобақанинг мукофот жағмармаси бу сафар ярим миллион доллар қилиб белгиланган. Жаҳон рейтингига маъқеларини мустаҳкамлаган моҳир теннисчилар Тошкент бахсида ҳам маънавий, ҳам моддий манфаатдорликка эришиш учун зўр бермоқдалар.



— Биринчи марта Ўзбекистон, Тошкент сузаларини газеталар орқали билиб олдим, — дейди италиялик Стефано Песколидо. — Гап шундаки, ушанда туран-туман газеталар саҳифаларида бултурги турнир қолиби англиялик Тим Хенманининг тун-дўпни кийиб қўлатгани сурагини кўриб қолдим. Сураг тағдиги илоада эса, Тошкент турнирини ажиб ҳислатла-

лионга яқин маблағ бўлса, швейцариялик Мак Россе турт ярим миллион доллардан кўпроқ бойликка эга ҳисобланади.

Мусобақалар ҳам тобора қизиги ва муросасиз тус олмақда. Зеро, юртдошларимизнинг омадлари юришмади. Вадим Куценко, Темура Ганиев, Дмитрий Томашевич, Олег Огородовлар дастлабки учрашувдаёқ имкониятларини бой бериб қўйишди. Лекин Вадимнинг омади бироз чопиб турибди. У Нир Вагрен билан жуфтлик бахсида галаба қозониб, маъқеини яхшилади. Бу галаба унинг жаҳон таснифидagi ўринини Огородовдан юқорилашшига имкон берди. Балки, Куценко жуфтликта яна бир галабадан кейин ярим финалга чиқиб олар. Яхка бахсларда ҳозирча Кафельников, аргентиналик Гастон, беларусиялик Волчков, Франциядан Пьолини, Италиядан Тилеман, Германиядан Ларс, голланд Вассен, Россиядан Сафин, Швейцариядан Россе ва бошқалар дастлабки галабага эришиб, қурашнинг давом эттириш имкониятига эга бўлишди.

Мусобақалар яна бир кундан кейин ниҳоятга етади. Лекин Тошкент турнирида иштирок этаётганларнинг бириортаси қуруқ қолмайди. Агар асосий турнирга қўчилиларни саралаш бахсида иштирок эт-



ганлар 540 долларгача мукофот олишса, асосий турнирда майдонга тушганларга 4770 доллар аталган. Бир марта галаба қилганлар бу қийматни 8000 га етказишади. Мусобақа галибига 66400 доллар берилса, финалчи 39300 доллар.



ларга эга бўлади. Демак, жаҳон миқёсида халқаро аҳамияти ортиб бораётган мусобақанинг қизқарди томони шундаки, аввало иштирокчиларга жаҳон талабларига мос шароитлар яратилмоқда. Қолаверса, моддий манфаатдорлик ҳам чакки бўлмаяпти. Муҳим халқаро турнир юртимизда теннисни янада ривожлантириш, соғом авлодин шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ

«АДОЛАТ» ҲАМРОҲИМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

1998 йилнинг 15 сентябридан бошлаб республикамизнинг барча «Матбуот уюшмаси» жамятларида ва алоқа бўлималарида «Адолат» ижтимоий-сийсий газетасига 1999 йил учун обуна бошлан-ди.

Обуна баҳосини эътиборингизга ҳавола қила-миз:

- Ташкилотлар учун: 12 ойга — 2220 сўм
- 6 ойга — 1110 сўм.
- 3 ойга — 555 сўм.
- 1 ойга — 185 сўм.
- Нашр кўрсаткичи: 101.
- Яхка тартибдаги обуначилар учун? 12 ойга — 2220 сўм.
- 6 ойга — 1110 сўм.
- 3 ойга — 555 сўм.
- 1 ойга — 185 сўм.
- Нашр кўрсаткичи 100.
- ЭСЛАТМА:
- Вилоятлардаги обуначиларга газе-та etkazиб бериш учун кўрсатил-ган обуна нархи бир мунча оши-ши мумкин.
- «Адолат» ҳаммаша ҳамро-ҳим ва суянчим бўлсин десангиз, унга обуна бў-линг!



Меҳнатдан келса бойлик...

ДОНИ КЎПНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

Оллоҳга минг бора ҳамду санолар бўлсинки, мустақиллик шарофати туфайли ўзлимизни англашимиз, минг асрга татиқлиқ тарихий бой маънавиятимизни, буюк алломаларимизнинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссалари, қолаверса, олийҳиммат халқимизни бугунги оғир дамларда мамлакат шухратини кўтаришдаги бунёдкорликларини кўриб гурурларга кўмиласан, киши.



Муҳтарам Президентимизнинг оқилона сиёсатларидан руҳланган халқимиз ҳар соҳада меҳнат матонати, ижодкорлик намунаси билан поғона-поғона давон ошиб, дунёда илгор ривожланган мамлакатлар қаторидан урин олмоқда. Ўзбекиларнинг ижодкорлигини кўраётган жаҳоннинг сиёсатдон кузатувчилари бунга ўзларининг муносиб баҳоларини бе-

моаси ана шу катта мақсад йўлида самарали фаолият кўрсатмоқда. 980 нафар ишчи-хизматчиларни ўз бағрига олган жамоа истиклол шуридан баҳраманда бўлиб бугунги куннинг пешқадам жамоаларидан бирига айланди. Бунинг узиға хос ибратли томонлари бор. Бизга шу хусусда қорхона раҳбари Омон Бекназаров шундай деди:

— Ҳозирги кун талаби — харидорларга сифатли маҳсулот етказиб бериш-

лари ўз кучлари билан бажаришди. Швейцариядаги «Боллер» фирмасининг лицензияси асосида ҳамдустлик мамлакатлари — Россия, Украина, Қирғизистондан 226 миллион сумлик тегиримон асбоб-ускуналарини олиб келиб ўрнатдик. Зиммамиздаги маъсулиятни бажаришда «Ўздонмаҳсулотлари» Давлат ҳиссдорлик кооперацияси раҳбарияти биз билан ҳамма бирга бўлиб, муаммоларимизни ечишга отадиқ қўлларини.

Ҳа, завод тулки янги автоматлаштирилган линия билан ҳаракатланапти. Очигини айтиш керак, ҳозирги ўрнатилган тегиримон жиҳозлари эскисидан тўдан фарқ қилади. Бу — янги технология ўсқуналари беш фактур асосида ишламоқда. Юксак технология асосида ишлаб чиқарилаётган ун маҳсулотлари жаҳон стандарти талабларига тула мос келади.

Шуниси характерлики, бир вақтлар чангда ишлайётган ишчилар ҳозир роҳатхон шароитда, ўзларининг серунум дастгоҳлари ёнида юқори унм билан ишлашади.

Цехлар билан танишишда бизга ҳамроҳлик қилган заводнинг бош муҳандиси Омон Чўтов куйидагиларни гапирди берди:

— Ҳозирги замон технологиясининг ютуғи жаҳон андозаси талаби билан ўлчанади. Ишлаб чиқарилаётган ун маҳсулотлари аввалгиларидан фарқ қилади. Маҳсулот сифати ҳо-рижникидан утса ўтадики, асло ками йўқ. Заводнинг кузатувчи марказий «пулти» автоматлаштирилган. Уни тажрибали операторларимиз бошқариб боради. Қуриб тургангиздек, Норхол Эшматовга сингари диспетчерлари-

миз шу янги технологияни-нг эгаси.

— Етти ой давомида 40650 тонна ун, 206 минг 85 тонна омухта ем, 400 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиди. Яна шу вақтга қадар 1 миллион 226 миллион 998 минг сумлик халқ истеъмол товарлари тайёрланди. Маҳсулот самардорлиги 1 миллион 660 минг сумдан ошди. — дея бизга яна изоҳ берди «Шурчидонмаҳсулотлари» ҳиссдорлик



жамиятининг раиси Омон Бекназаров. Бундай юқори курсаткилар ижодкорининг меҳнатидан яйрайсан, киши. Яқинда «Ўздонмаҳсулотлари» Давлат ҳиссдорлик кооперацияси қорхона жамоасига заводни мунддатидан илгари таъмирлаб, ишга туширгани боис «Яхши хизматлари учун» ташаккурномасини ихор этди. Завода ишчи-хизматчиларга курсатилган гам-хурлик яхши йўлга қўйил-

ган. Бепул сут-қатик мунтазам дастурхонга тортиқ этилади. 75 уринга мулжалланган санаторий-профилакторий ишчилар хизматиде. Жамоада бир эмас 2 та «Дустлик» ва «Табассум» болалар боғчаси ишлаб турибди. Улардан меҳнаткашларнинг 300 дан ортиқ уғил-қизлари тарбияланмоқда. Иқтисодиётимиз оёққа тураётган бир пайтда ички имкониятлардан самарали фойдаланилаётганлиги қувончли-



нг яратувчанлик ишларидан бир мисқол, холос. Уларнинг эл маъмурчилиги йўлидаги ҳаракатлари туфайли сурхондареликларнинг дастурхон фазилти бўлмоқда. Хонадон тандирларидан ўзлаётган бурсилдоқ нонлар, бозорларимиз фазилти беаётган турли ширмовий кучлардан ана шу меҳнат ва изла-нишларнинг самарасидандир. Яъни, хирмон тулиб дон туқилиб, тандир

тулиб нон ёпилмоқда. Элининг риску насибаси бўлиб, дастурхонига барака қирапти.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ, «Адолат»нинг ўз мухбири. СУРАТЛАР: 1. «Шурчи дон маҳсулотлари» ҳиссдорлик жамияти раиси Омон Бекназаров. 2. Макарон лехи бошқиси Юдуз Норкулова. 3. Хиссдорлик жамияти бош муҳандиси Омон Чўтов қорхона мутахассислари билан.



райтгани сир эмас. Бу — мустақиллигимизнинг бекиёс мевадидир.

Юксак онг, тафаккур устиворлиги билан турмушда ўз урнимизни топишимиз, буюк келажакимизнинг пойдевори мустаҳкам яратилаётганлигини далолатидир. Бу бизни албатта ҳушёрликка чорлайди. Буюк келажак йўлида қилаётган ишларимизни ва ҳиссамизни қўпайтиришга руҳлантиради.

«Ўздонмаҳсулотлари» Давлат ҳиссдорлик кооперациясининг «Шурчи дон маҳсулотлари» ҳиссдорлик жамияти жа-

Исир Араб республикасининг Ўзбекистондаги Факултетада ва Мухтор элчиси, доктор Мамдух Шавқий шу йилнинг баҳориде Тошкент Давлат юридик институтида ўтказилган Миср Араб республикаси кунларида институтининг энг фаол ва энг аълочи толиблари учун махсус мукофот-соврин таъсис этишга ваъда қилган эди. Кунинг кеча элчи жаноблари ўқув дароғига ташриф буюриб, совринини ўз эгаларига топширди.

Кейинги пайтда Миср ва Ўзбекистон ўртасида турли соҳаларда бўлгани сингари ҳуқуқ-тартибот, суд соҳасидаги

АЪЛОЧИ ТАЛАБАЛАРГА ЭЛЧИ МУКОФОТИ

хамкорлигининг янги қирралари кўзга ташланмоқда. Ҳуқуқ-тартибот, суд ходимларининг узаро бодди-келдилари йўлга қўйилди. Ўзбекистон Адлия вазири С. Мирсафоев Миср-га ташриф буюриб, адлия соҳасида амалий хамкорликни янада юқори поғонага кўтарадиган муҳим ҳужжатларни имзолаб қайтди. Мана шу кунларда Миср Халқаро савдо арбитражи иқлимий марказининг раиси Мухаммад Абду-Айнаининг Тошкентга келиши, тегишли ташкилот ва муассасаларда бўлиб ҳуқуқий соҳада маърузалар ўқиши қутимлоқда.

Учрашувни Тошкент Давлат юридик институти ректори Халим Бобоев очди. Шундан сўнг сўз олган Миср элчиси доктор Мамдух Шавқий талаба ва устозларни Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллиги, янги ўқув йилининг бошланиши билан самимий табриклаб, уларга ўқишда ва ишда улкан муваффақиятлар тилади. Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги дўстона алоқаларининг шу кунги одимлари, келажакдаги улкан режалар, айниқса, маъмурият институти жамоаси ва талабалари билан мисрлик хамкасбларини узаро хамкорликда бажариши мумкин бўлган ишлари ҳақида тўхталиб, бу борада ўз кун-гайратини аямаслигини билдирди. Сўнгра институтининг энг фаол, энг аълочи толиблари деб топилган Севара Саиджоновна (IV курс) ва Темур Ҳасанов, Ботировларга узининг мукофот-совринларини топширди.

Учрашувда элчиюна маслаҳатчиси Ҳамид Шукрий, элчининг оммавий ахборот воситалари бўйича маслаҳатчиси, Матбуот шўъбаси раиси Раф-фат-Ас-Сабаъи иштирок этди.

Шукрилла ПАРИЕВ, «Адолат» мухбири.



Журналист таҳлили

ТАРОЗИНИНГ ИККИНЧИ ПАЛЛАСИ

Оғриқли саволлар ҳар биримизнинг дилимизни ўрташи шубҳасиз. «Хурият» газетасининг ўтган йилги 22 октябр сонида «Ўзбек қизи Пашахон...» сарлавҳали мақолам эълон қилинган эди. Унда Тўхтаева Бўрипошша Ёқубовна деган аёлнинг ҳужжатларида қандоқ қилиб «Тахтаева Паша Яковлевна» бўлиб қолгани ҳақида таассуф билан ёзгандим. Яна минг бора таассуфки, ўша мақолага ҳеч қанақа «акс-садо» бўлмади. Кимлардир мийғида қулиб қўя қолишди, баъзилар «собиқ совет даврида шунча хатоликлар бўлган бўлса бордир» дея бепарво қўл силкиди. Хатолик содир этилган бўлса, қачондир тузатиладими, деган савол ҳануз жавобсиз қолаёттир. Ўша мақоламиз ҳам осмонга отилган пахтаванд ўқдек бесамар кетди...

Яқинда Ботир Бобоев деган урғотимнинг янги паспортига эътибор қилдим. Эскисидан айнан кўчирилган паспортда дўстимнинг исми-шарифидан асар ҳам йўқ. Бобоев — «Бабаев» шаклида ёзилган. Баба — самарқандликлар шевасида итвачча, кучука деган маънони англатади. Ўзбек тилида «баба» сўзининг бошқа лугавий маъносини эшитмаганман. Ботир деган исм эса — «Батир» шаклида ёзилган. Маълумки, ҳозирги ёзувимизда «ы» шаклида харф йўқ. Уни биз математика фанида учратамиз. Шунча ёзилган ҳисоб рақами — «олтмиш бир» деб ўқилади. Демак, Ботирнинг ҳужжатида қараб исминини айтганда бўлмас — «Батолтмишбир» дейишга тўғри келади. (Битта сўзни иккита тил алифбосидаги харфлар асосида ўқиш мантиққа тўғри келмайди).

Исmlар ҳақида гап кетар экан, масаланинг бир муҳим жиҳатиға жиддий эътибор бериш лозим. Дейлик, аксарият ҳужжатларида «Тахир» (маъноси — аччиқ, ачқимти) бўлиб «ёзилиб қолган» юзлаб Тоҳирларнинг исми «Мелос», «Коммуна», «Октябрь»ларга ўхшаб кетган «қизил тузум» даврида пайдо бўлиб қолган йўқ. Тоҳир — минг йиллар оша аждодлардан мерос бўлиб келаятган улғи исмдир! Бу исмининг нечоғли қадимий эканлиғига улмас достонимиз «Тоҳир ва Зухро» мисол бўла олади. Мушоҳада қилганидан бўлса, ўша достон яралишидан бир неча минг йиллар илгари Тоҳир, Зухро деган исmlар пайдо бўлган. Ўзлаб Тоҳирларнинг тилисотида ўша достон халқ оғзига иходида шаклу шамойилини топган.

Худди шундай, Ботир деган исм ҳам нақадар қадимийдир. Эҳтимол, Тоҳирдан анча илгари пайдо бўлгандир Ботир деганлари. Негаки, неча ўн минг йиллар илгари пайдо бўлган халқ оғзига ижодидаги қаҳрамонларимизнинг барчаси ушга хос. Ботир Баҳодир! Улмас, Қаҳрамон, Паҳлавон, Полвон, Кенжа, Толмас, Уқун, Жасур каби исmlар ҳам ўша эртаги афсоналаримиздаги бош қаҳрамонларга берилган нисбий сўзларнинг узгирмаси эмасми! Ўша сермаъна сўзлар ўз-ўзидан исmlарга айланиб кетаверган наздимизда.

Аслида, ўзбекларнинг ҳар бир исмида улкан маъно мўжассам. Ҳар биримизнинг исми-шарифидан ҳам улкан маъна, фақат уни дилдан ҳис этмок, англамок, тушуномок зарур. Исmlаримиз ўзига яраша тарихига эга эканлигини унутмаслик лозим!

Утмишда заминимиз куп босқинларни кўрган. Аждодларимиз, боболаримиз беҳисоб бойликларидан ажраган. Аммо, бир бебаҳо бойлигимиздан ҳеч ким мосуво эта олмаган: бу — шу кунга қадар етиб келаятган маънавий бойликларимиздир. Маънавий бойликларимизнинг ўзига эса — ўзбекона исmlаримиз туришини ёдда тутмок лозим.

га муваффақ бўлаверганлар! Ҳаёт тақозосига кура бебаҳо маънавий меросларини авлоддан-авлодга қолдириверганлар.

Фақат, сунггиси жуда қимматга тушди. Утган аср ўрталарида бостириб келганлар наинки моддий бойликларимизга, ҳатто маънавиятимизга ҳам дахлатишга эришганди. Бир мустақил давлат эришиши лозим бўлган деярли ҳамма нарасига эришдик. Ҳатто, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти жорий қилинганга ҳам анча бўлди. Паспортга исми-шарифларимизни ёзиш тартиби ҳақида ҳозирча фақат «Давлат тили ҳақида»ги қонунимизда ёзилган. Яъни, қонуннинг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахсонлар, ўз миллатидан қатъи назар ўз исмини, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий аънаваларга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадилар» деган билтиклар бор. Бу жуда яхши, албатта. Бироқ, маънавиятимиз қалбидеги дахлатли жароҳатларни барҳам топтириш учун бу муайян даражада камлик қилар экан чамаси...

Ана энди тарозининг иккинчи палласи ҳақида ўйлаш лозим. Дўстим Ботир Бобоев ўзи-ча шундай жуяли фикр билдирди: — Нима десангиз денг-у, мен паспортимда исми-шари-

- ✦ Ўзбек қизи «Паша» бўлиб қолаверадими?
- ✦ «Батолтмишбир» ким ўзи?
- ✦ Тахир — аччиқ, ачқимти дегани эмасми?
- ✦ Маънавий меросимиз муносибми?

фимни ўзгартирмокчи эмасман. Неге, десангиз, паспортимга қараб ҳайдовчилик гувоҳнома, «техпаспорт»-им, дипломим, «меҳнат дафтари», «уй дафтари», дипло-мим, никоҳ қоғозимизда ҳам исми-шарифим айнан шундай ёзилган... Бирор кун машина е уй олди-соти қилгудек бўлсам, шўрмага шўрва тўкиладим. Нотариус «икки хил ёзилган» ҳужжатларни тасдиқламаммиш... Қариган чоғимда нафақага чиқар бўлсам ижтимоий таъминот бўлимидагилар ҳам «тан олмас» эмиш...

Бундан ташқари, турт нафар фарзандим ҳам бир кун келиб меросхўрим бўлар бўлса, шу биргина «турғи ҳужжати» учун қанча сарсон саргардон бўлармиш... Қолаверса, фарзандларимнинг ҳужжатлари ҳам айнан ўзимникидек қилиб ёзилганини яширмайман... Ҳуш, айтингчи, исми-шарифимдаги икки-ўч харфни турғила-таман, деб шунчалик аввораи сарсонгарчилигининг кимга кереги бор?...

Дўстим бу масалада юз бора ҳа! Бироқ, маънавий мерос масаласи нима бўлади? Ботирнинг бир аччиқ ҳақиқатни очик-ойдин айтиди: исми-шарифларимиздаги бузилишлар тузатилиш урнига фарзандларимизнинг ҳужжатлари ҳам «автоматик тарзда» ўтиб бораёттир. Модомики, «отаси Бабаев»ми, улгининг тутилганлик ҳақидаги гувоҳномасига ҳам «Бабаев» деб ёзишга мажбур, уни Бобоев деб турғилаб ёзсалар, эртага кимлардир тан олмай қўйишлари мумкин...

Ана сизга муаммо. Ана сизга собиқ «советлар замони»да сукулган таёқнинг аччиқ меваю япроғи... Шу кетимида ўн, юз авлоддан кейинги наслимиз ҳам «Бабаев», «Батолтмишбир», «Тахир» бўлаверар экан-да?!

Ҳаётда тарозининг иккала палласини ҳам тенг кўрган ют-қазмайди. Демак, биргина паспорт е тутилганлик ҳақида-

ги гувоҳномаларда исми-шарифларимизни турғилаб ёзганимиз билан мақсадга эришиб қолмасанмиз. Билмак, бошқа-бошқа муаммолар гирдобига тушиб қолаверар эканмиш... Ҳуш, энди қандай йўл тутмок лозим?

Шўқроналар бўлсинки, бу борада ҳам ҳукуматимизнинг етарлича тажрибаси бор. Ёдингизда бўлса, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган, жамик қонунларни бирварақайига ўзгартириш учун озми-кўпми вақт талаб этиларди. Шунда «амалдаги қонун ҳужжатларидаги Ўзбекистон ССР иборасидан «С» харфлари тушириб қолдириб ўқилин» деган маъмуна бир ҳужжат қабул қилинган эди. Ёнг турғи ва оқилона йўл шу эди. Пайти келиб, қонунларимиз рисоладагидек мукамаллашди. Ҳаёт тақозосига кура яна янги-янги қонунлар мутаносиб равишда қабул қилинаёттир. Ёнди шу тажрибани ҳужжатлардаги исми-шарифларимизни турғилаб олишга ҳам қўлласак қандоқ бўларкин? Айттайлик, янги паспорт олаётган ёшлар, янги тутилган уғил-қизларга ёзилаётган гувоҳномаларда исми-шарифлар имловий жиҳатдан турғилаб ёзилаверилса-ю, бошқа (илгари имловий хато ёзилган диплом, «меҳнат дафтари»ми ва ҳоказо) ҳужжатлар билан нотариус, ижтимоий таъминот каби ҳуқуқий идораларда бир хилда қабул қилиниши белгилан қўйилса. Бўям вақтинчалик қарор е қонун бўларди. Ахир, ниҳоят 50-100 йил орасида ҳозирги замондошлар охираёт сари ўтиб кетамиз. Бир сира ҳужжатларимиз мубоқаб равишда турғилаб олиш, маънавиятимизнинг муҳим бўғини саналишим исми-шарифларимизни турғи ёзиш борасида ҳам (тарихнинг хатосини тузатган ҳолда) авлодларга муносиб мерос қолдирган бўлур эдик.

Тўлқин УСМОН ўғли.



Фойдали мулоқот

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ — ИСЛОҲОТЛАР МЕЗОНИ

Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида республика Ижтимоий таъминот вазирлиги раҳбарияти билан оммавий ахборот воситалари ходимларининг бўлиб ўтган учрашуви очик мулоқотга айланиб кетди.

Маълумки маъмурият вазирлиги давлат бошқарув органи бўлиб, пенсиядор, ногирон ҳамада бошқа меҳнат қобилиятсиз давлатнинг ёрдамига муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ягона давлат сиёсатини юритиб келмоқда. Яъни, вазирлик ўзининг асосий вазифаларидан келиб чиқиб фуқароларни пенсия билан таъминлаш, ёлғиз қарияларга ижтимоий ёрдам курсатиш, ногиронларни ижтимоий ва меҳнат реабилитациясини ташкил этиш, муҳтожларни ҳаракат воситалари ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминлаш ишларини амалга оширапти. Ўз фаолияти-ни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари асосида олиб бормоқда.

Вазирлик тизимида Пенсия жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармалари, 183 та туман ва 31 та шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари, ногиронлар учун 26 та муруват уйлари ва ёлғиз қария фуқаролар учун 8 та саво-хават уйлари, 176 та тиббий-меҳнат эксперт комиссияси, Ногиронларнинг миллий реабилитация маркази ва ҳудудий реабилитация марказлари тизими (МДХ) ягона ногиронлар реабилитация тизими), 2 та саво-хават, фахрийлар учун 1 та оромгоҳ, 15 та нодават протез-ортопедия қорхона-си, шу жумладан «Ортопедия» ОТАЖ ва 2 та қўшма қорхона, юридик коллеж, ногирон болалар учун 3 та ҳунар-техника билим юрти, тизим мутахассислари ма-лакасини ошириш Республика курси мавжуд.

Вазирлик 3 миллион 206,2 минг нафар пенсия-дор ва ижтимоий нафақа олувчиларга хизмат курса-тади, бу республика ахо-

лиснинг қарийб 12 фоизини ташкил қилади. Пенсия ва нафақа туловлари учун Пенсия жамғармаси ҳисобидан ҳар ойда 7,7 миллиард сумдан ортиқ маблағ сарфланади. 1998 йил 1 июлдан пенсияларнинг уртача миқдори 3056,25 сумга оширилди.

Ижтимоий таъминот тизимидаги саво-хават ва муруват уйларида 6864 қария ва ногирон истиқо-мат қилади.

Уйда хизмат курсатила-диган ёлғиз меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар 2287 кишини ташкил этиб, булардан 14656 ки-ши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 майдаги Фармони-да белгиланган имтиёзлар-дан фойдаланимоқда.

1998 йилнинг биринчи ярмида реабилитация мар-казларида 1366 ногирон реабилитациядан ўтказил-ди. Муҳтож пенсионер ва ногиронларга республика-нинг турли саво-хават ва оромгоҳларига 9,3 минг йўлланма, 1302 дон протез-ортопедия маҳсулотла-ри, 2276 жуфт махсус орто-педия пойафзал, 476 до-на ногиронлар аравачаси, 740 дон эшитиш апарати, 4502 дон қўтиқтаёқ ва ҳассалар берилди. Йил бошидан буюн ногирон-ларнинг 139 та махсус ав-томашиналарини капитал таъмирлаш ва уларга тех-ник хизмат курсатиш учун 9 миллион сумдан ортиқ маблағ сарфланди.

Учрашувда ижтимоий таъминот борасидаги қонунларни тўдан ўзгарти-риш, молиявий аҳолини ях-шилаш, ҳисоб-китоб ра-қамларига аниқлик кири-тиш ҳақида батафсил сўз юритилди.

Учрашувда республика Ижтимоий таъминот вази-ри Баҳодир Умрзоков жур-налистлар берган савол-ларга атрафлича жавоб қайтарди.

Шавкат УМАРОВ, «Адолат» мухбири.

ПАХТАКОРЛАР МАМНУН

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқуқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари турғи-сида»ги қарори чиққандан сўнг Жўззаҳ вилояти Пахта-кор тумани савдо ходимла-ри ҳам қишлоқ меҳнаткаш-ларига беминнат хизмат кур-сатиш мақсадида зиммала-рига талайгина вазифалар-ни олдилар.

Гап шундаки, туман сав-до ҳиссдорлик жамияти мавсум даврида пахтакор-ларга камида 10 миллион

сумлик хизмат курсатишни мўлжаллашган. Ҳозирда ик-кита кўча автодукон пахта-корлар ҳузурида дам олиш чоғларида хизмат курсатмоқ-да. Бундан ташқари туман ҳужалиқларида мавсумий савдо шохобчалари ташкил этилапти.

Пахта ҳосилини нест-но-буд қилмай йиғиштириб олиш мавсумида ўзларига холис хизмат курсатаётган туман савдо ходимларидан пахтакорлар мамнун бўли-шапти.

Парлабой ТОҶИБОВ, жамоатчи мухбиримиз.

Ҳажв

ҚЎЛЛАБ ТУРИНГ, БЎЛМАНГ КАМ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ ФЕРМЕРЛАРИНИНГ АШУЛАСИ

Фарғоналик Мамадали Қионов — тил-адабиёт ўқитувчиси эди. Ҳозирда нафақага чиққан бўл-са-да Ўзбекистон туманида чорвачилик билан шу-гулланувчи фермердир. Бўш вақт топиб шерь ҳам ёзиб туради. Унинг ушбу ҳазил шерьини бир ўқиб кўринг-а.

Ҳисобда пул туғул
Хемири йўқ — нини мушкул.
Қарз ололмак фермерлар,
«Тадбиркорбанк» бермас пул.

Ҳисобчилар чўғ қоқмас,
Минг гаширсанг бир боқмас,
Насибадан гаширманг,
Қуруқ гап-сўз ҳеч ёқмас.

Тракторчи-керилган,
Пулга жуда берилган,
Трактор гараж олдига,
Қалдирғочдек тизилган.

Ерлар заранг, тоб қаттиқ,
Олмок керак ўқарик,
Ҳайдовнига «қўйиб бер»,
Тайёрла тез ош-қатик.

Заҳовулар — кўмилган,
Қурақаллар — чўмилган,
Гар биланлар — ишбонин,
Биз югурдак — нини билан.

Сурги, гредер, ҳам мола
Ҳоҳ ҳоҳлама, ҳоҳ ҳоҳла,
Тўлқин УСМОН ўғли.

Иш тақа-тақа тўхтайдил,
Бўл, чўнтақини тез қоқла.

Иш чокидан сўқилган,
Қонлар пишиб тўқилган,
Комбайн йўқ фермерга,
Ғамдан қадди букилган.

Принеп йўқ ташиниға,
Соларка йўқ ҳар ишға.
Кечикади

17.45 «Профи-тайм».
18.00 «Шахс».
18.55 Буюк Курмонғози таваллудининг 175 йиллигига.

★ **Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизилган ҳар бир раҳбар ва бошлиқ қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлур.**

ЗАМАҲШАРИЙ.

ПАЙГАМБАРИМИЗ ВАСИЯТЛАРИДАН

— Ё, Али, саҳтдил (баритови)да уч аломат бор: заифларга раҳм қилмайд; озга қониқмайд, ҳар қанча насиҳат берсалар, қабул қилмайд.

— Ё, Али, сиддиқ (тўғри, вафоли кимса)да уч фазилат бор: ибодат, садақа ва (узғалар) гуноҳини яширад — шуларнинг ўзи унинг сиддиқлигидан нишондир.

Ўғлимга ўғит

Мабодро қачондир мансабдор бўлиб қолсанг, билли куй. Амал қурсиңда утирганнигидан ким энг кўп товоғини яласа, қурсиңдан тушганида уша биринчи бўлиб сендан юз утиради.

УМР

У оддий одам эди. Шуро замонида бир умр ҳаммолчилик қилди. Тўрт қиз, уч ўғилни овқат тургазди. Айтимки уруш пайтида асраб олган боласини ҳам қўша, тўрт қиз, тўрт ўғил. Қизларини чиқарди. Ўғилларини уйлантирди. Ҳаммасини уйли-жойли қилди.

Қуз юмаётганида «ҳаммаларингдан мингдан-минг розиман», деди...

Қарашса, қафланги йўқ экан...

Ўтқир ҲОШИМОВ, «Дафтар ҳошимасидаги битиклар»дан.

ҚУЛГИ БЕКАРИ

Хотин: — Дадаси, менга ҳам «тигир» қўйлаб олиб берсангиз. Эр:

— Менинг қузмага уша қўйлакисиз ҳам йўлбарсдек ваҳоҳотли қуринаясиз...

Харидор: — Укажон, бу пивонинг ичиди пашша сузиб юрибди-ку?

Сотувчи: — Қўрқманг, ака, битта пашша идишнингиздаги пивонинг ҳаммасини ичолмаса керак!

... — Вой-войе-е! Дадаси, шу ароқни ичманг, десам ҳам айтганимни қилмай ичаварсиз-да. Мана қаранг, қузингизнинг остини кукартириб, роса саваляшибди.

— Хотиржам бўл, хотин. Менам ҳаққимни кетказган эмасман. Уни озгини худди сени лабингдан қип-қизил қилиб қўйдим.

Хотин: — Қани, сиз менга айтган-чи! Умрингизда менга бирон-бир яхшилиқ қилдингизми?!

Эр: — Сенга уйландим-ку!

Ўғлининг дафтаридидаги «иқчилари»ни курган ота деди:

— Қани, ўғлим, камарни келтир!

— Дада, ахир бу мисолни кеча узингиз ечиб берган эдингиз-ку!

— Ундай бўлса камарнинг кераги йўқ.

Хотин: — Сизга эрга текканимдан кура шайтонга эрга текканим минг марта яхши бўлур эди.

Эр: — Яхши бўлишини билман. Аммо яқин қариндошларга нимоқ тушмайди-да...

— Иқаламиз турмуш қурсак ҳаётимиз жуда яхши бўлади, деган эдингиз. Қани уша берган ваъдаларингиз?

— Дадангнинг бундай тез ишдан олишларини билмаган эканман...

Ашамурод ЖУМАҚУЛИЕВ.



— Сирларимни сизга айтмайми дугонажон ёки сувга?!

Оддий одамлар орасида жўнгина бир саволни такрор-батакрор эшитишга тўғри келади: «Ҳақиқат борми?» Аслида муқобил жавобни ҳам ўзлари айтишлари: «Ҳайрият, ҳақиқат бор экан!».. Қачонлардир ҳақиқатнинг саробига айланганидан ҳам дилимиз хуфтон бўларди. Ўйини, собиқ шўролар даврида «совет қонунлари дунёдаги энг ҳаққоний, энг одил қонунлардир» дея ёзган кимсаларнинг ҳам кўнгилларида бир армон қоларди.

Аслида, Ҳақиқат — инсон дилидаги таянч нуқтасидир, дегимиз келади. Ҳар кимнинг ўз ҳақиқати бўлади. Ҳаққа талпинган ҳар кимса ўз ҳақиқатини ўзи топаверishi мумкин. Жамият, умумхалқ миқдосида-чи? Бу қун юртимизда ҳақиқий Ҳақиқатнинг тантанасини яққол кўриш мумкин. Бу — адолатли қонунларимиз билан ҳам барчаси боғлиқ масала...

Муастакил мамлакатимиз қонунларининг миқдоси ҳам, қамрови ҳам жуда кенг. Гап — унинг росмана ижросида. Қаердаки қонун устивор бўлса, ундан манфаатдор киши ўз ҳақиқатига эришиши баайни ҳақиқат. Демакки, қонунларимизнинг ҳар бир жабҳада раванқ топиши учун онгли равишда қурашмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир. Иштихон тумани прокурори Ғофир Тошнӣёзов билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Ғофир Полновонич, муастакил юртимиз қонунларини амалга оширишда айнан туман прокурорининг ўрни қандай бўлиши керак? Шахсан ўзингиз бу борада нима-ларга кўпроқ эътибор беряпсиз? Қонунларимизни юз фоиз ҳаётга тадбиқ этилишида бирор тўғаноқ борми?

— Учинчи саволингизга жавоб беришдан бошласам. Қонунларимиз ҳаётга тўла тадбиқ этилишида ўзига яраша «тўғаноқ» бор. Бу — айрим кишиларнинг руҳияти, онги, дунёқараши билан боғлиқ... Букрини гўр тузатар, деганларидек, бу-унги ҳаётий воқелигимизни тўла англаб етмаётган, тушунчаси торроқ бўлган кимсалар наинки қонун учун, балки тараққиётимиз учун ҳам катта тўғаноқдир. Ўзлари билиб-билмай қиноватга қўл ураётган айрим кимсаларни бошқа нима дейиш мумкин? Масалан, биргина гиёҳвандликка қарши бутун жаҳон йқли курашаётир. Давлатимиз қонунларида ҳам гиёҳвандлик билан шуғулланган кимсаларга қарши шафқатсиз жазолар белгиланган. Шундай қиноватчилар мол-мулкидан ажраб қўлини, ўзи узок йилларга озодлиқдан маҳрум бўлиши муминлигини вақти-вақти билан ойнаи жаҳон орқали кўриб турибмиз. Шунча қиноват қўлига қираётган кимсалар уни ўришлари шубҳасиз. Таассуфки, бундай кимсалар озми-кўп-и учраб турибдилар. Бунга наинки қонун ҳимоячилари, ақли расо, зийли кишилар ҳам бефарқ қараб турмаслиги зарур.

Энди биринчи саволингизга келсак, туман прокурорининг қонунларни амалга оширишдаги роли — фақат қиноватчини қазога тортишдангина иборат эмас. Юртбошимиз маънавиятга таъриятларни раванқ топтириш нечоғли муҳимлиги ҳақида қандай қилсак ҳам билдирмоқда. Бу борада ҳукумат қарорлари ҳам бор. Ҳўш, маънавият, таърият деганлари нима? Фақат илму таърият, адабиёт ва санъатми? Йўқ. Ҳуқуқий билимларни кишилар онига синдириш ҳам маънавиятнинг муҳим бир ўзатини ташкил этади наздимда.

Едингизда бўлса, собиқ шўролар даврида прокуратура, суд,

ТАЯНЧ НУҚТАСИ

ички ишлар бўлими, нотариал ва бошқа қонунчилик билан ишлайдиган идораларнинг иш юритиши ҳам, хат-ҳужжатлари ҳам фақат рус тилида амалга ошириларди. Бу борадаги қўлланмалар, китоблар ҳам асосан рус тилида эди. Кенг жамоатчилик, оддий қишлоқ одамлари қонунчилик илмидан йироқ эдилар. Энди-чи? Қонунчиликка оид жамкии китоблар, қўлланмалар, ахборотномалари ўз она тилимизда ўқиш, ўрганиш имконига эгамиз. Бундай муҳим ҳужжатларни кенг оммага етказиш ҳам жуда қулай. Урта мактабларда қонунчиликка оид дарслар ўти-лаётгани айнаи мурдао. Бундан ташқари биз маҳалла фаоллари, қишлоқ оқсоқоллари билан ҳамкорликда мактабларда, кенг жамоатчилик ўртасида таърифи сўхбатлар, ошқора мулоқотлар ўтказиб турибмиз. Доно халқимизда, ичкиликни инсоннинг қўлидан эмас, балки қалбидан таърифи йўл билан олиб ташлаш керак, деган гап бор. Бу гап — бошқа жиний ҳаракатларнинг пайини қирқашга ҳам тааллуқли, деб билимиз.

— Таърифи сўй-ҳаракатларнинг ўз самарасини бераётган бўлса керак?

— Албатта. Жиноятчилик туманимизда кескин камаймоқда. Ўтган йили икки мартаба ўта оғир жиноят — қасддан одам ўлдирish факти аниқланган ва жиноятчилар тегишли жазосини олган бўлса, бу йил бирор марта бундай қўнгўлис ҳодиса рўй бергани йўқ. Ўғирлик, безорилик ва бошқа турдаги жиноятлар ўтган йиллардагига нисбатан анча камайётгани сези-

Сўранг, жавоб берамиз

НОТЎҒРИ ТАШҲИС ҚЎЙСА...

— Менга нотўғри ташҳис қўйиб, ноаниқ касаллик бўйича муолажа қилишди. Мен шифокорни судга бериб, компенсация олишим мумкинми?

М. ТЕСАБОВЕВА, Тошкент шахри.

— Биринчидан, Сиз нотўғри ташҳис қўйган табобат муассасасига мурожаат қилиб, касаллик тарихини беришини талаб қиласиз. Унда қўйилган ташҳис ва даволаш вақти қўрсатилиши керак.

Иккинчидан, Сизни янги, тўғри таш-

ҳис асосида муолажа қилган табобат муассасасидан икки нусхада касаллик тарихи кўчирмасини олинг. Биринчи кўчирма бу муассасага келган вақтингиздаги ёмон аҳволингиз ҳақида ташҳис бўлса, иккинчиси — Сизнинг касаллигингизга қўйилган тўғри ташҳис бўлади. Муолажа усули Сизнинг ҳолатингиз ва соғлигингизни келгусида яхшилаб боришини таъмин қилади.

Барча бу жараёнлардан кейин, ажрим аризасини ёзиб, тўплаган ҳужжатлар нусхаларини унга қўшиб, судга беришингиз мумкин.

Ҳаёт ва қонун

либ турибди.

Таассуфки, бир жиноят тури камаймаяпти... Шу ўринда сизга ва барча журналистларга савол берсам бўладими?

— Марҳамат?

— Ойнаи жаҳонда, томошахоналарда енгил-еллиликни, ҳаёсизликни «тарғиб» қилишга нега йўл қўйилмоқда? Қайсики кинони томоша қилманг (айниқса, «Морена Клара»га ўхшаш қўл



қисмни фильмда) ёшлар он-

гига салбий таъсир қўрсату-чи «эпизод»лар ҳаддан зиёд кўп. Ҳатто, газеталарда ҳам кишини жунбушга келтирадиган мақолалар кўзга ташланади. Қайсидир газетада ўқидим, бир тракторчи беш яшар қизанинг номусли поймол қилганмиш. Ҳўш, шунинг оқиб-оқиб ёзиш шартми? Ахир, бошқа кимсаларда «я, буларкан-да!» деган бўлмағур фикр уйғотмайди, деб ким қаролта беради? Шунча «маънавий муҳит» бир қатор жиноятларни келтириб чиқармайдими? Минг бора афсус билан айтиш мумкинки, шундай «тарғибот»лар таъсирида номусли тажовуз қилишдек беамани жиноятлар камаймаяпти...

Менимча, бу борада ҳам таянчимиз — Қонун бўлмоғи лозим! Конституциямизда, бошқа қонун ҳужжатларида шарм-ҳаёсизликни тарғиб қилиш тақиқланган. Демакки, қайсидир ҳақмасбимиз ўзи билиб-билмай шундай беамани сатрларни ёзётган экан, қонун нуктаи назаридан у ҳам тегишли хулоса қилишининг мавриди етган. Бу гап, албатта, ойнаи жаҳон ихкоркорлигига ҳам тааллуқлидир.

Барчамиз маънан таяндингиз қонунларимиз ҳаётда ўз мавқеига эга бўлар экан, шу юртининг ҳақиқий фуқаролари, фарзандлари унга ихлосу эҳтиром ила муносабатда бўлар экан, барчамизнинг келажамини янада порлоқ бўлишига шак-шубҳа йўқдир.

Тулқин ЭШБЕК, журналист.

Қарор ва ижро

мансабдор шахслар 61,8 миллион сума яқин маъмурий жаримага тортилган. 1915 та қонунбузарлик ҳолатлари бўйича жиний иш қўзғатилган бўлиб, суд органларида 3038 та, прокуратура органларида 1283 та, ички ишлар органларида 385 та текшириш ҳужжатлари чора куриш учун юборилган.

Шу ўринда тан олишимиз керакки, жойларда Давлат солиқ хизмати томонидан олиб борилаётган назорат ишлари етарли даражада эмас. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Фарғона вилоятларида солиқ хизматлари томонидан ўтказилаётган текшириш курсаткиларини паст. Қонунбузарлик ҳолатини олдини олиш юзасидан профилактика ишлари яхши ташкил этилмаган, аҳоли ўртасида тушунириш ишлари суст олиб боришмоқда. Бу қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этишда маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан, кенг жамоатчилик кучидан фойдаланилмапти.

Бухоро вилоятида рўйхатга олинган 3979 савдо шаҳобчасидан шу кунга қадар 1748 та савдо, Андижон вилоятида 4490 та шаҳобчадан 2153 та, Қашқадар вилоятида 5934 тадан бироқ 1825 та текширишлар ўтказилган ҳолос. Қолган савдо шаҳобчалари назоратдан четда қолмоқда. Бу ўз навбатида қонунни бузиш ҳолатларини давом эттишига олиб келмоқда.

Тошкент шахри ҳудудидида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида спиртли ичимликларга акциз марказларини жорий этиш тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётгани хусусида текшириш ўтказилди. Унда сотувга чиқарилган акциз маркази 555 минг 281 қўти сигареталар, 7109 шиша алкогольли ичимликлар, 810 литр спирт хом ашёси олиб қўйилди. Савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномасиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланилаётган

26 нафар учар фуқаро қўлга тушди. 8 ҳолатда 351 минг сўмлик савдо пули назорат касса машиналаридан ўтмаганлиги аниқланди. Текширувлар давомида Яқкасарой туманидаги Юсуф Ҳамдадоний кучаси 3-уйда хуфя тарзда ишлаб чиқарилаётган арок цехи аниқланди. Хуфя цехдаги бир жиҳозлар қўлга олинди. Ушбу цехдан савдога чиқариш учун шай қилиб қўйилган 1498 шиша қўлбола арок, 810 литр спирт, алкогولى ичимликлар ишлаб чиқаришда қўланилаётган махсус асбоб-ускуналар чиқди. Шу кўчадаги 6-уйда ташкил этилган арок цехи ҳам фототизилди. Цех қўздан кечирилганда 1343 шиша ясама арок сотишга тахт қилиб қўйилган экан. 7-уйдаги яширин арок цехи эса қўшнисиникидан катта-роқ экан. Хонадон соҳибни Ж. Мирзаевнинг сохта арокларни озағи сиққан нарҳда пуллаб даромадига шохона ясагани аниқланди. Уй қўздан кечирилганда сотишга шай қилиб қўйилган 3007 шиша сохта арок, «Ўзбекистон» ароғига ёпиштирилган 10 мингта, «Турон» ароғига ёпиштирилган 225 дона ёрлик, 7,5 мингта бурма қоққоқ, «Тошкент» винуни учун қўланилаётган 250 дона алюмин ва 697 дона мис қоққоқлар чиқди. Уларнинг барчаси далилий ашё сифатида олиб қўйилди ва тўплаган ҳужжатлар қонуний чора куриш учун тегишли органларга тортирилди.

Албатта куза кунда эмас кунда синида. Сохта ёки қўлбола махсусот тайёрлаб ўзгаларнинг ҳисобига текин даромад орттираётган ана шундай кимсаларнинг охири-оқибати ҳоли вой бўлади. Қонун ҳамма учун баробар. Уни ҳеч ким четлаб ўтмайди.

Абдусалом ИСАХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Савдо ва хизмат қўрсатиш қорхоналарини назорат қилиш бошқармасининг бошлиғи.

ЧАП БЕРАМАН ДЕБ ПАНД ЕМАНГ

ёки яроқсиз махсусотлар қайқдан келяпти?

Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, сертификатланмаган, сақлаш муддати ўтиб кетган, истеъмол қилиш учун яроқсиз бўлган озиқ-овқат махсусотлари сотилишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигига зарар етказишига йўл қўймаслик, шунингдек, озиқ-овқат товарлари савдосини ташкил этишда тартиб ўрнатиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар қўриш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишининг бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Бу Давлат солиқ хизмати зиммасига ҳам катта маъсулият юклайди, албатта. Чунки аҳолини озиқ-овқат махсусотлари билан бир мезбонда тўлиқ таъминлаш Президентимиз ва Республика ҳукуматининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Давлат солиқ хизмати ходимлари айни пайтда ушбу қарорни жойларда шарҳлаб, тушутириш ишларини олиб бораётгани.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида, Давлат солиқ хизмати томонидан ушбу соҳада 35 минг 200 дан зиёд текширишлар ўтказилди. Шундан 30 минг 500 тасида, яъни, 87 фоиз ташкилотларда солиқ қонунчилиги, савдо хизмати қўрсатиш қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари қайд этилди.

Солиқ идоралари томонидан назорат ишлари қўлайтирилганига қарамаддан амалдаги қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари камаймаяпти. Ҳар бир текширилган 10 қорхонанинг 9 тасида у ёки бу қонунбузарлик ҳолатлари мавжудлиги аниқланмоқда. Бу эса ўз навбатида савдо ва маиший хизмат қўрсатиш қорхоналари раҳбарлари ва ходимлари томонидан ўз ишларига масъулиятсизлик билан қараб, белгиланган қонун-қоидаларни қўпол равишда ва очикдан-очик бузаётганлигини қўрсатади.

Жумладан, 1466 ҳолатда қонуний ҳақ олиш билан харидор ҳақиқа хўнабат қилиш, 1,1 миллион сўмлик махсусотларни очик савдодан ва солиқдан яшириш, 3,1 миллион сўмлик истеъмолга яроқсиз, муддати ўтган махсусотлар билан савдо қилиш, 24,5 миллион сўмлик қамомат борлиги, 7,8 миллион сўмлик қирим қилмаган, ҳисоб-китобда қўрсатилмаган ошқина махсусот борлиги, 125,4 миллион сўмлик нақд пул маблағини қонуний

сарф қилиш ва банк муассасаларига ўз вақтида туширмаслик, қолаверса, белгиланган тартибда назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш тартибининг бузиш ҳолатлари аниқланди. 33,3 миллион сўмлик 734,2 минг қўти акциз маркази тамаки махсусотлари, 25,2 миллион сўмлик 121,9 минг дона спиртли ичимликлар ва 17,4 тоннага яқин тахминий нархи бўйича 1,4 миллион сўмлик озиқ-овқат махсусотлари олиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Республика ҳудудидида савдо дуконларида аҳоли истеъмولى учун зарур бўлган 8 турдаги озиқ-овқат ва озиқ-овқат махсусотлари билан ўз-ўзидан таъминлашни борасида кузатиш ва таҳлил ишлари ўтказди. Ушбу тадбирларда 1275 нафар ходим қатнашди ва 8083 та савдо дуконлари текширилди. 2135 ҳолатда белгиланган озиқ-овқат махсусотларнинг айрим турларини савдода йўқлиги аниқланди. Шунинг қайд этиб ўтиш лозимки айрим вилоятларда белгиланган махсусотларнинг савдода йўқлиги республика бўйича текширилган савдо шаҳобчаларига нисбатан уртача 26,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу қўрсаткич Хоразм вилоятида 46,9 фоизни, Андижон вилоятида 30,8 фоизни, Навоий ви-

лоятида 84,9 фоизни, Наманган вилоятида 47 фоизни ташкил этади.

Шу ўринда айтиш лозимки, жойлардаги ҳокимликлар ҳам бу борада етарли иш олиб бормаяптилар. Жумладан, Самарқанд вилоятида 404 ҳолатда, Тошкент вилоятида 445, Фарғона вилоятида 342 ва Наманган вилоятида 361 ҳолатда белгиланган махсусотларни савдода бўлмаганлиги маълум бўлган.

Бундан ташқари ҳозирги кунда аҳолининг истеъмولى учун зарур бўлган, ҳукумат томонидан белгиланган қўлланмалардаги озиқ-овқат ва озиқ-овқат махсусотларини савдода доимий бўлиш борасида ўтказилаётган текширишларнинг 3732 ҳолатида мажбурий махсусотларнинг савдода йўқлиги аниқланди. Жумладан, «Ўзбексавдо» тизимидаги савдо шаҳобчаларида 1491 ҳолатда, «Ўзбекбирлашув» тизимидаги қорхоналарда 292 ҳолатда ва қолган бошқа қорхоналарда 315 ҳолатда йўқлиги аниқланган.

Қўрилаган чора-тадбирларга қарамаддан ҳанузгача савдо шаҳобчаларининг омиборхоналарида асосий озиқ-овқатларни яшириш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Масалан, Жиззах вилояти Зарбдор тумани «Бўстон» ҳисадорлик жамиятига қарашли

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тургунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ, Улугбек ДОНИЁРОВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Халим БОБОВЕВ, Анвар ЖҲҲАБОВЕВ, Акмал КОСИМОВ, Тўхтамурод ЖҲҲАБОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАХИМОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам КОСИМОВ.

Бош

муҳаррир:

Тўхтамурод ТОШЕВ



Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёс Кенгаши ва «Адолат» газетаси иходий жамоаси.

ХОМШИ: Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатуви» акциядорлик жамияти.

Мулоқот учун телефонлар:

Қабулхона — 133-41-89. Котибият — 136-55-64. Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Ғ — 0351, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.

«Шарқ» нашрият-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Бўстон» тумани кучаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топшириш 21.30. МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шахри, Матбуотчилар кучаси-32.